



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 23 апрель, № 81 (4491)

Чоршанба

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

Дўстлик ва ҳамкорлик самаралари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 апрель куни расмий ташриф билан Қозоғистон Республикасига келди.



камлаш тарафдори эканини, мамлакатларимиз ўзининг минтақавий сиёсатини мувофиқлаштириши, бунинг учун ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувларни йўлга қўйиш муҳимлигини таъкидлади.

Президентлар мулоқоти Ўзбекистон ва Қозоғистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом этди. Унда асосий диққат-эътибор савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларда 1997 йилда имзоланган Эркин савдо тўғрисидаги битимга амал қилинади. Сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичи жадал ўсиб бормоқда. Хусусан, 2006 йилда 39,1 фоизлик ўсиш қайд этилган бўлса, 2007 йилда ўзаро савдо ҳажми 63,3 фоиз юқалиб, 1 миллиард 193,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Яъни, 2007 йилда мамлакатларимиз илк бор 1 миллиардлик доводан ошди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бунда Ўзбекистоннинг илҳомий сальдоси 129,5 миллион АҚШ долларидан иборат.

Ислам Каримов савдо-иқтисодий алоқалар давлатлараро муносабатларнинг асосий таркибий қисмларидан, ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омилларидан эканини, Ўзбекистон ва Қозоғистон бу борада улкан имкониятларга эгалигини таъкидлаб, товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш учун экспорт-импорт маҳсулотлари номенклатурасини яна бир бор қайта қўриб чиқиш зарурлигини қайд этди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва Қозоғистон иқтисодий жиҳатдан бир-бирини тўлдирди. Масалан, Ўзбекистонда самолётлар, автомобиллар, автобуслар, юк ташиш машиналари, қишлоқ хўжалиги техникаси, кабеллар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади, пахта, пилла, мева ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Демак, савдо-сотик соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун улкан фаолият майдони мавқуд.

Табиий ресурслар ҳам ҳамкорлик учун яхши имкониятдир. Нефть ва газ узатишда илмий ва амалий ҳамкорлик қилиш икки томон учун ҳам бирдек манфаатлидир.

Икки мамлакатнинг транспорт коммуникациялари эса халқро транспортдан келадиган даромадларни кўпайтириш имконини беради. Автомобиль

ва темир йўлларимиздан бир-бирига боғланган ягона умумий тизим сиёсатида фойдаланишни такомиллаштириш, экспорт-импорт ва транзит юкларнинг эркин ва тезкор ҳаракати учун шароит яратиш борасидаги ишларни изчиллик билан мувофиқлаштирилган асосда давом эттириш мақсадга мувофиқдир. Ислам Каримов преференциялар беришни кўпайтиришни ҳам тақдир этди.

Мамлакатларимиз ўртасида 2006-2010 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик дастури ва 2007-2016 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегияси қабул қилинган. Мазкур ҳужжатлар савдо, сув-энергетика мажмуи, сармоя, молия, транспорт, коммуникациялар, боғхона ва инновация борасида икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини ўзида муҳасаса этган. Уларни ҳаётга тула татбиқ этиш орқали товар айирбошлаш кўрсаткичини бир неча хисса ортириш мумкин.


Иқтисодий ҳамкорлик қўламини кенгайтиришда қўшма корхоналар муҳим ўрин тутди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Қозоғистон сармоядорлари иштирокида тузилган 167 корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда Қозоғистоннинг 54 фирма ва компанияси, Қозоғистон Тараққиёт банки ўз ваколатхонасини очган. Қозоғистонда Ўзбекистон сармоядорлари билан ҳамкорликда тузилган 94 корхона бор.

Музокарада таъкидланганидек, бу кўрсаткичлар мамлакатларимизнинг иқтисодий имкониятлари ҳамда илмий-техникавий ва интеллектуал салоҳияти даражасида эмас. Ишбилармонлар, ишлаб чиқариш корхоналари, вилоятлар ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш зарур. Бунда савдо-саноат палаталари ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битимдан қулай ҳуқуқий асос сифатида янада кенг фойдаланиш керак.

2006 йилда Президентлар ўзаро савдо ҳажмини 1 миллиард АҚШ долларидан ошириш имконияти мавжудлигини таъкидлаб, тегишли вазирлик ва идораларга шў кўрсаткичга эришиш тўғрисида топшириқ берган эдилар. 2007 йилда бу вазифа муваффақият билан урилди. Бу эса олий даражадаги стратегик қелишувларнинг барчасини рўбга чиқариш учун изчил амалий ҳаракатларга киришиш зарурлигининг, шунда қўзланган марралар муқарраб забот этилишининг далилидир.

(Давоми 2-бетда).

22 апрель куни депутатлар Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилган масалалар муҳокамасини давом эттирдилар.



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмухамедова олиб борди. «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг раиси И. Насриев тақдим этди. Муҳокама пайтида депутатлар таъкидлаб ўтдиларки, давлат ногиронлар турмуш фаолиятининг чекланганлигини баҳолаш асосида уларнинг ижтимоий ёрдам ҳамда ҳимоя чора-тадбирларига бўлган эътиборлари ҳисобга олиниши таъминлаши, ногиронларни реабилитация қилиш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган турлардаги дастурлар амалга оширилишини, ногиронларнинг жаҳият билан уйғуллашиш учун шароитлар яратишини кафолатлайди.

Қонун лойиҳасига мувофиқ, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ногиронларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашдан, уларнинг шояни ва кадр-қимматини ҳимоя қилишдан, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари тенглигини, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлашдан, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат тоҳирот ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат.

Киритилган тақдирлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилди.

(ЎЗА).

Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонасида Орол денгизи муаммолари ва Орол бўйи минтақасидаги экологик инқироз оқибатларини бартараф этиш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

АҚШДА ОРОЛ ДЕНГИЗИ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР

Унда АҚШ Конгресси, ушбу мамлакат Миллий хавфсизлик кенгаши, Давлат департаменти, Мудофаа вазирлиги, Халқро ривожланиш бўйича агентлик, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва савдо вазирликлари, шунингдек, қатор нуфузли халқро ташкилотлар — Жаҳон банки, БМТ тараққиёт дастури, БМТ жамғармаси вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раҳбарияти, Ж. Хопкинс университети, Жоржтаун университети, Виржиния халқро университети, Мэриленд университети профессори ва мутахассислари, Карнеги жамғармаси вакиллари, UPI ахборот агентлиги ҳамда Миллий матбуот клуби мухбирлари қатнашди.

Жорий йилнинг 11-12 март кунлари Тошкентда бўлиб ўтган «Орол муаммоси, унинг аҳоли генетики, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири, оқибатларини енгиллаштириш борасида халқро ҳамкорлик чоралари» мавзусидаги конференция натижалари семинар қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Тошкент конференциясида иштирок этган Sentech.Inc компанияси вице-президенти Л. Маркел «Орол денгизи ҳудудида турмуш даражасидаги экологик инқироз оқибатларини мавзусидаги маърузасини семинар иштирокчиларининг эътиборига ҳавола этди. АҚШ эксперти ўз чиқишида Орол фожиясининг умумбашарий аҳамиятга эга эканини қайд этди. Унинг сузларига кўра, Орол фожияси ҳар томонлама кенг қўринишга эга бўлиб, нафақат экологик, балки ижтимоий, иқтисодий ва гуманитар жиҳатларни ҳам қамраб олади.

Л. Маркел «Орол фожияси — бу факатгина Ўзбекистоннинг муаммоси эмас», дея алоҳида таъкидлади. Унинг фикрича, Тошкент Орол денгизи ҳавзасидаги экологик инқироз оқибатларини енгиллаштириш бўйича яхлит ёндашув ва стратегик қарарларни ишлаб чиқиш ҳамда бу масалага Марказий Осиё давлатлари ва халқро ҳамжамият эътиборини жалб қилиш борасида етакчи мавқега эгадир.

Жаҳон банки икромчи директори М. Мордасини Орол инқирозини нафақат Марказий Осиё давлатлари, балки жаҳон ҳамжамиятига ҳам жиддий хавф солувчи экологик таҳдид сифатида таъкидлади. Ушбу муаммо кўп томонлама хусусиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, минтақа мамлакатлари билан халқро институтлар иштирокида узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқишга даъват этди.

(Давоми 2-бетда).

ОСТАНА, 22 апрель (ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи Остонадаги Оқурда саройида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими билан бошланди. Ўрт-бошимиз шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев шохсупага кўтарилидилар. Икки давлат маҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олди-дан ўтдилар.

Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбоевнинг яқма-яқма суҳбати бўлиб ўтди. Президентлар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари, БМТ, ШХТ, МДХ каби халқро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар, ўзларини қизиқтирган халқро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ислам Каримов ушбу ташриф ўзаро ҳамкорликка доир масалаларни, минтақавий хавфсизлик муаммоларини муҳокама қилиш учун яхши имконият эканлигини қайд этди. Ўзбекистон Қозоғистон билан ҳамкорлик алоқаларини юксак кадрлашини, Марказий Осиё минтақасидаги муҳим ва йирик

шеригимиз бўлган ушбу мамлакат билан муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришини таъкидлади.

Нурсултон Назарбоев Ислам Каримовни Остонага расмий ташрифи билан самимий қутлар экан, бу борада Қозоғистон Ўзбекистон билан ҳамкорлик эканини қайд этди. Ўзбек ва қозоқ халқларининг алоқалари узоқ даврларга бориб тақалади. Адабий меросимиз, урф-одат ва қадриятларимиз — умумий, тарих ва маданиятимиз — муштарак, тил ва динимиз — битта. Аждодларнинг ноҳид ва боқий мероси бўлган азалий ришталар, маънавий яқинлик бугунги кунда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги алоқаларда яхши қўшничилик, дўстлик ва қардошлиқ, ўзаро ишонч ва ҳурмат таъминлаш учун устувор эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

2006 йил март ойида бўлиб ўтган Тошкент саммити чоғида Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбоев икки мамлакат Президентлари раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш борасидаги қелишув ўз ифодасини топган Қўшма баёнотга имзо қечдилар. Бу ўзига хос орган Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларга доир долзарб масалаларни тезкорлик

билан ҳал этишга кўмаклашмоқда.

Оқурдадаги суҳбат чоғида Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбоев икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилар эканлар, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг бу борадаги салоҳияти ҳали тўла ишга солинмаганини таъкидладилар. Олий даражадаги учрашувларнинг мунтазам ўтказиш турилиши ҳамкорликнинг янги қирраларини очиб, истиқбол режаларини қўриб чиқиш учун яхши имконият бериши, шу нуктага назардан, бугунги мулоқот муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Хавфсизликни таъминлаш борасида Президентлар ҳамфикрдирилар. Терроризм, экстремизм, нарқобизнес, қурол-ярғок қотанбандаси, оммавий қирғин қуроллари тарқалиши каби таҳдидларнинг олдини олишда, уларга қарши курашишда ҳамжиҳатликда иш юритиш зарур. Бу ўринда Ислам Каримовнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш таъбибуси минтақа давлатлари томонидан бир овоздан қўллаб-қувватлангани ва мазкур ғоя ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Қозоғистон икки ва кўп томонлама асосда ахборот хавфсизлиги, энергетик ва экологик хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Қишлоқ

хўжалиги муҳим аҳамиятга эга соҳа экани инобатга олиниб, зарарқонандлар ва ўсимликлар касалликларига қарши биргаликда курашиш йўлга қўйилган.

Ислам Каримов минтақавий хавфсизлик масалаларига тўхталиб, таҳдидларни бартараф этишда, муайян сабабларга кўра, асосий масъулият Ўзбекистон ва Қозоғистон зиммасида эканини таъкидлади. Хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда Ўзбекистон доимо минтақамиздаги барча мамлакатлар, биринчи навбатда, Қозоғистон билан яқиндан ҳамкорлик тарафдори бўлиб келганини алоҳида қайд этди.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Афғонистонда тинчлик қарор топиши Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим омилдир. Шу нуктага назардан қараганда, 1997-2001 йилларда БМТ шафелигида фаолият кўрсатган «6+2» мулоқот гуруҳи доирасидаги музокара жараёнини тиклаш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, Ислам Каримов бу тақдирни НАТО/СЕАПнинг яқинда бўлиб ўтган Бухарест саммитида ҳам баён қилиб, Шимолий Атлантика альянсини бу гуруҳ фаолиятида иштирок этишга чакрган эди.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Қозоғистон билан халқро ташкилотлар доирасида ҳам алоқаларни мустаҳ-

Уммон ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, биргаликда икки томон учун ҳам манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашди.

Делегация аъзолари пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом (Хасан) мажмуғга ташриф буюриб, Ҳазрати Имом жомеъ масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳини кўздан кечирилди. Улар бу ерда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов таъбибуси билан амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ва обдорлаштириш ишларини юқори баҳоладилар.

(Давоми 2-бетда).

СОЛИК СОҲАСИ: ИНТИЗОМ ВА ҚОНУНИЙЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг жорий йил биринчи чораги яқунлари ва навбатдаги вазифаларига бағишланган кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унинг ҳудудий бosh бошқармалари ҳамда Республика инқисодини бирлашмаси раҳбарлари иштирок этган тадбирда асосий эътибор давлатимиз томонидан солиқ идоралари зиммасига юклатилган вазифалар ижросига қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. Парпиев бошқарган йиғилишда солиқ идоралари томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдидagi қарадорликни қисқартириш, нақд пул маблағларининг банқдан ташқари айлан-

шининг олдини олиш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қайтаришга оид долзарб вазифаларнинг ижроси борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилишини таъкидланди. Шу билан бирга, ҳайъат йиғилишида солиқ органларининг асосий вазифа-

ридан бири бўлиши солиқларни йиғиш даражасини ошириш ва боқиманда қарадорликни қисқартириш, энг асосийси, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга белгиланган прогност кўрсаткичлари муҳокама этилиб, бу борада етарлича иш ташкил қилинмаган Жизза ва Наманган вилоятлари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Қашқадарь, Навоий, Сирдарь ва Фарғона вилоятларида эса прогност кўрсаткичлари бажарилишини таъминлашда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмайгани қайд этилди.

Бугунги кунга келиб ҳисобот топширмаётган корхоналар сони қисқарган

бўлса-да, лекин айрим солиқ идоралари раҳбарлари томонидан ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этмаган солиқ тўловчиларга нисбатан қонунчилида белгиланган тасвир чораларини қўриш ишларида суъикашликка йўл қўйилмоқда.

Йиғилишда, шунингдек, Президентимизнинг банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш ҳамда нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эътиборни қондиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорларни ижросини таъминлаш юзасидан Жизза, Асака, Нукус шаҳарлари ва Фурқат тумани давлат солиқ инспекцияларида амалга оширилётган вазифаларнинг бажарилиши таҳлил этилди.

(Давоми 2-бетда).

УММОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКISTONДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Уммон Султонлиги таълим вазирини Яхъё бин Сауд ал-Сулаймий раҳбарлигидаги делегация аъзолари 22 апрель куни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов билан учрашди.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, фан-таълим жаҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Меҳмонлар мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилётган ислохотлар билан

яқиндан танишишди. Уммон Султонлиги таълим вазирини мамлакатларимизнинг таълим соҳасида ҳамкорликни ривожлантириши, тақриба алмашиш ва изланишлар олиб бориш иккала томон учун ҳам манфаатли эканини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон билан

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимиз иқтисодийётида ижобий натижаларга эришишда банк-молия тизими тобора катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу тизимда етакчи банклардан бири ҳисобланган «Ўзсанотқурилишбанк» ўзига хос мавқега эга. Аввало, соҳаларга ажратилаётган кредитлар самараси, реал секторни молиявий қўллаб-қувватлаш, замонавий технологияларни олиб келиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва хизматлар, мижозлар сонининг ортиб бораётгани шундан далолат беради.

ИНСОН МАНФААТИ — БОШ МЕЗОН

Ўзсанотқурилишбанкнинг ана шу ижобий ютуқларини кўпайтириётган, барча жойларда мижозларига турли замонавий молия хизматлари кўрсатаётган, ишончли ва самарали молия муассасаси сифатида обрў қозongan бўлишлари, филиаллари қаторида Хоразм минтақавий филиали ҳам бор. Бугунги кунда унинг фаол жамоаси 1550 дан ортиқ мижозга намунали банк хизмати кўрсатиб келмоқда. Бу турли натижаларга кўра, банкнинг молиявий имкониятларини кўрсатиб берадиган активлар миқдори 16 млрд. 113,4 миллион сўми ташкил этди. Бу дегани, ушбу кўрсаткич ундан олдинги йил ҳолатига нисбатан 5 млрд. 194,8 млн. сўмга кўпайди.

Банк жамоаси томонидан мижозлар билан олиб борилаётган молиявий амалиётларни янада кенгайтириш, аҳолининг бўш пул маблағларини янгидан-янги омонат турларига кўпроқ жалб этиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг замонавий ва қўлай усули бўлган пластик карталардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш, коммунал тўловларни қабул қилишни кенроқ йўлга қўйиш каби чора-тадбирлар ютуқлар омили бўлмоқда. Айниқса, мижозларга қўлай пластик карталардан фойдаланишга хизмат кўрсатиш, кўпроқ муомалага чиқариш, улар орқали тўловларни ташкил этиш кенг йўлга қўйилди. Савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарида ўнлаб терминаллар тар-

моғи ташкил этилди. Натижада пластик карточка — кафолатли ҳамён эгаларини, олд-сотдида қўлай восита бўлиши пластик карточка корхона, ташкилот ва муассасалар жамоалари, умуман, аҳолининг барча қатламлари кундалик ҳаётига кириб бораётти. Нафақат савдо, умумий оқватланиш шохобчалари, балки маиший хизмат тармоқлари, ёқилга қўйиш шохобчаларида ҳам терминаллар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб усулидан кенг фойдаланилаётти. Бу фўқароларнинг пластик карточкага бўлган қизиқиши орттиришга сабаб бўлмоқда. Шу боис ўтган йили филиал томонидан 10 миң дан ортиқ пластик карточка муомалага чиқарилди. Ҳозир банкнинг 35 миң дан ортиқ пластик карточкаси мижозлар қўлида ишляпти. Улардан, айниқса, кўп кишилик меҳнат жамоалари самаралироқ фойдаланмоқда. Айни пайтда филиалнинг мижозлари ҳисобланган 100 га яқин йирик корхона ва ташкилот ходимларининг иш ҳақи пластик карточкалар орқали бериляпти.

Масалан, «Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси, «Жанубгазурилик» акциядорлик жамияти каби ўнлаб корхоналар ишчи-хизматчилари маошини бериш нақд пулсиз усулда амалга оширилмоқда. Натижада ушбу ташкилотларнинг ходимлари бугунги кунга келиб ўзлари-

нинг иш ҳақларини пластик карточкалар орқали олиш ҳамда ҳисоб-китобнинг ана шу қўлай ва кўп жihatдан афзал усулидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Ҳозир ўша ташкилотлар атрофида жойлашган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ҳам терминаллар ўрнатилиб бўлиб, улар ёрдамида катта

Молия муассасаларида

миқдорда молиявий амалиётлар бажариляпти.

Маълумки, банкнинг кредит ва инвестицион фаолияти унинг салоҳиятини, хизмат кўрсатиш даражасини белгилайди. Катта кичик корхоналар, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, молиявий барқарорлиқни сақлашда банк мададига таянади. Банк жамоаси бу борада ўз мижозларини ҳар томонлама қўллаб-қувватляпти. Бултур барча кредит йўналишлари бўйича жами 20 млрд. 595,4 млн. сўмдан зиёд кредит ажратилди.

165 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмасига истиқболли лойиҳаларини амалга оширишлари учун 566,3 млн. сўм кредит берилди. Уларда ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш, бошланғич сармояни шакллантириш эвазига 605 та янги иш ўрни ташкил этилди.

— Банкдан олинган 1 млн. 450 миң евро миқдордаги кредит эвазига Германиядан замонавий паррандачилик технологиясини олиб келиб ўрнатдик, — дейди Хонка тумани, Мадир қишлоғидаги «Хонка паррандачилик» МЧЖ раҳбари Давлат Аминов. — Шу боис корхонамизнинг ишлари рисоладагидай юришиб кетди. Банкдан олган қарзимизни ўз вақтида узамиз.

Урганч шаҳридаги дурадгорлик билан шуғулланувчи «Фазо» хусусий корхонаси ҳам банкнинг 10 млн. сўм кредити қўлига ишларини ўнлаб олди. Бу ёрда қўшимча 5 та янги иш ўрни яратилди.

Оилавий чорвачилик билан шуғулланишни мақсад қилиб, қорамол сотиб олишга кредит сўраган шахслар ҳам ниятларига етдилар. Мазкур йўналишда 306 нафар жисмоний шахсга 284 млн. сўм кредит ажратилган бўлса, унинг 238 млн. сўми филиалнинг ресурслари ҳисобидан берилди. Бу ҳам банк салоҳиятини белгиловчи муҳим кўрсаткичдир.

— Мижозларга ипотека, истеъмол ва таълим кредитлари ажратиш иш фаолиятимизнинг муҳим қирраси ҳисобланади, — дейди филиал бошлиғи Баҳром Ражабов. — Ушбу кредит турлари аҳоли турмуш шартини яхшилашга, ёш оилалар рўзгорининг бекаму кўст бўлишига ёрдам беради. Гап шундаки, ўтган йили 435 кишига жами 929 млн. сўм ипотека ва истеъмол кредитлари берилди. Шунингдек, 25 нафар ёш оилага ўй-жой қуриш ва сотиб олишлари учун 370 млн. сўм ипотека кредити ажратилди. Бу кредит турларига бўлган талаб янада ортиб бормоқда.

Богот тумани, Деҳқонбозор қишлоғида истиқомат қилаётган С. Абдуллаев коллежда таълим беради. У банкдан олган 1 млн. 500 миң сўм кредитга уйига

электр ва маиший техника харид қилди. Унинг ҳаммаси, Урганч шаҳрида яшовчи У. Отахонов ҳам филиалдан 1 млн. 800 миң сўм истеъмол кредити олиб, телевизор ва кондиционер эгаси бўлди. Урганч тумани, Гулистон қишлоғида яшовчи, «Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси илчиси Садрод Бобонизовга 2 хонали ўй сотиб олиши учун 15 млн. сўм, Хазорасп тумани, Пичоқчи қишлоғидан икки ишлар ходими Баҳром Жабборовга ҳовли-жой сотиб олиши учун 22 млн. 500 миң сўм кредит ажратилди. Бу икки ёш оила бошлиқларининг орзуси ушвалди. Энди улар оиласи билан янги уйларга кўчиб ўтишди.

Банк жамоаси Президентимизнинг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2008 йил 27 мартдаги «Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эътибонни қондиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида аҳоли ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини омонатнинг қўллаб турларига кўпроқ жалб этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу, ўз навбатида, банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлашда асосий омили бўлмоқда. Масалан, ҳозир филиал омонатчилари сони 18261 нафардан ортди, омонатлар қолдиги эса 18268 млн. сўмни ташкил қилади. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 3 млрд. сўмга ортган. Айни кунда филиал томонидан аҳолига 30 га яқин омонат турлари мунтазам тақлиф этилмоқда.

Барча молиявий савдо-харажатлар банк капиталининг янада орттиришга туртки бўлмоқда. Бунинг натижасида мижозларга янги имкониятлар яратилляпти. Энг муҳими, ўзаро ҳурмат ва ишонч ортиб, мустаҳкамлашиб бормоқда. Банк жамоасининг иш фаолиятида, орзу-интилишларида бу яқроқ намоён бўлмоқда.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

«ВАЗ-ЛАДА» АВТОСАЛОНИДА

СИЗНИ РОССИЯНИНГ МУТЛАҚ ЯНГИ АВТОМОБИЛЛАРИ КУТМОҚДА

Маҳсулот сертификатланган.

ВАЗ-2107
Двигатель инжектор
Кафолат мuddати — 2 йил
(30.000 км)

ЛАДА-КАЛИНА
Двигатель инжектор
Кафолат мuddати — 3 йил
(50.000 км)

ВАЗ-21041
Двигатель инжектор
Кафолат мuddати — 1 йил
(20.000 км)

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, «Буюк-Ипак йўли» кўчаси, 299-уй.
Тел.: 300-59-44, 266-59-44, 266-59-45.

«BAMA BIZNES» МЧЖ

пудрат асосида
қурилиш ишларини бажариш
учун махсус қурилиш
ташкilotлари ўртасида
танлов эълон қилади.

Тел./факс: 234-58-32.

2008 йил — Ёшлар йили

«МИКРОКРЕДИТБАНК»
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

юртимиз тадбиркор ёшларини қўллаб-қувватлаш мақсадида хусусий ва оилавий тадбиркорликни бошлаганларга

бошланғич сармояларини шакллантириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда, микрофирма ва деҳқон хўжаликлари ташкил этган ёшларга энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача миқдорда, фермер хўжаликлари ташкил этган ёшларга энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорда хусусий ва имтиёзли микрокредитлар ажратади.

Ёшларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки йиллик 30 фоиз даромад келтирадиган янги, қўлай ва жозибали «Ёшлик» номли мuddатли жамғарма омонат турини жорий этди.

Омонат учун маблағлар чекланмаган миқдорда, мижозларнинг истак ва талабларига қараб 1, 3, 6, 9, 12, 15 ой мuddатга қабул қилинади.

Хизматлар лицензияланган

«Ёшлик» мuddатли омонатининг фоизлари мижозларнинг хоҳишига кўра, ҳар ойда тўлаб борилади.

Шунингдек, «Микрокредитбанк» мижозларига турли қўлайликлар ва имтиёзларга эга бўлган 22 турдаги омонат жамғармаларини тақлиф этади!

«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик, тараққиёт хизматида!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ

ҲАКАМЛИК СУДИ

ТЕЗКОР! ТЕЖАМКОР! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- хўжалик низоларининг тез ҳал қилиниши (низонинг бир инстанцияда жуда қисқа мuddатларда қўриб чиқиши);
- муҳокаманинг камчиқимлилиги (низони ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган тарафларнинг камчиқимлиги);
- судьяларнинг касб маҳорати (энг тажрибали, маҳоратли шахслар ичидан судьяни сайлаш тарафлар томонидан амалга оширилади);
- мобиллик (низони Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида қўриб чиқиш имконияти);
- Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг узил-кесиллиги (давлат судига Ҳакамлик суди ҳал қилув қарори мазмуни устидан шикоят қилиш мумкин эмас);
- Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан кафолатланган тартибда мажбурий ижро этиш (давлат судларининг қарорлари ижро этилиши ўрнатилган тартибда).

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ҳузуридаги Ҳакамлик суди

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 6-уй.
Телефон: (+998-71) 139-43-29. Факс: (+998-71) 132-09-03.
web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Идораларо ва соҳа ичидаги кооперацияни ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш мақсадида

«Ўзбекэнерго» ДАК

2008 йил 29 апрелдан 1 майгача тармоқ саноат ярмаркасини ўтказлади.

Энергетика соҳасида ҳамкорликка қизиқиш кўрсатувчи республика ишбилармон ва илмий тузилмаларининг вакиллари тақлиф этилади.

Расмий очилиш маросими 2008 йил 29 апрель кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Ярмарка ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, «Хоразм» кўчаси, 6-уй, мажлислар зали.
Кириш метронинг «Амир Темур хиёбони» бекати томонидан.
Иш вақти: соат 10.00 дан 17.00 гача. Маълумот учун телефонлар: 236-62-09, 236-63-09.

УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозавоидида ишлаб чиқарилган энгил ва юк автомобилларини ҳамда эҳтиёт қисмларини сотади.

ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР
ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШУВЧИ АВТОМАШИНАЛАР

Фургон УАЗ-3741, юк орттиш учун ҳажмли УАЗ-3909, 4x4 МРВ: микроавтобус УАЗ-2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962 автомобилларини отқазиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

Шунингдек, кафолат ва техник хизматлар кўрсатилади!

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Юк ташувчи УАЗ-3303.
Юк ва йўловчи ташуш учун махсус УАЗ-39625.
Қўшимча кабинали УАЗ-39094.

Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., «Халқлар дўстлиги» шк., 27-уй.

SONATA Ўз йўлингни танла!

КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner Tel. 250-11-11

Drive your way

Танлов
Ўн уч яшар голиб

Урганч суратлар галереясида ёшлар ижодига бағишланган халқ амалий санъати йўналишидаги кўрик-танлов ўтказилди.

Унда ўттига ёшгача бўлган халқ амалий санъати усталари ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Кўрик-танлов юртимизда хунарманд усталарнинг янги авлоди камол топаётганлигини кўрсатди.

Танлов ҳайати кўлоллар сулоласининг олтинчи авлоди Огабек Раҳимовни голиб деб топди.

Огабек ЖУМАНИЁЗОВ.

Бугун соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли Республика шохлиқ тиббий ёрдам илмий маркази ҳамда унинг жойлардаги филиаллари аҳолига тезкор ва малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

САЛОҲИЯТЛИ, ИШОНЧЛИ ВА ТЕЗКОР



Жумладан, ўтган йил ёзида марказнинг Наманган филиалида «Кардиология ва кардиохирургиянинг долзарб масалалари» мавзусида ўтказилган семинар чоғида сунъий қон айлантириш ва кардиология шарафига юрак жарроҳлиги амалиётлари бажарилди.

ёрамида тиг теккизмасдан бемалол жарроҳлик амалиёти ўтказиш мумкин.

Шифо маскани ўз номи билан илмий-амалий муассаса. Унда меҳнат қилаётган шифокорларнинг кўпчилиги тиббиётнинг маълум йўналиши бўйича изланишлар олиб боришга яқин.

ёрамида тиг теккизмасдан бемалол жарроҳлик амалиёти ўтказиш мумкин.

Шифо маскани ўз номи билан илмий-амалий муассаса. Унда меҳнат қилаётган шифокорларнинг кўпчилиги тиббиётнинг маълум йўналиши бўйича изланишлар олиб боришга яқин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 12 апрелдан 18 апрелгача бўлган маълумот

1. «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг талаб қилиб олинган махсус депозит ҳисобварақларидан операцияларни амалга ошириш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Марказий банкни бошқаруви, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2008 йил 10 мартдаги 22-301-В, 10-В/729-сонли қарори.

2. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудда гиёвхандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ташқи тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 17 мартдаги 4, 3-сонли қарори.

3. «Банк кассаларида топширилаётган нақд пул тушумининг барқарор ўсишини ва уларнинг узлуқсиз берилишини таъминлашни бўйича мансубдор шахсларнинг рағбатлантирилиши ва уларнинг масъулиятини ошириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 24 мартдаги 296-В, 2008-1-сонли қарори.

4. «Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патентининг амал қилишини ўзатириш қондаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2008 йил 25 мартдаги 13-сонли буйруғи.

5. «Божхона юк декларациясини тўлдирish тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 3 апрелдаги 01-02/В-29-сонли қарори.

6. «Инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосномаларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигидан кўриб чиқиш тартибини ўз қўниги йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг 2008 йил 14 апрелдаги ЭГ-01/10-2212-сонли қарори.

7. «Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик галла этиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун ҳужжатлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг 2008 йил 22 мартдаги 41-сонли буйруғи.

8. «Биржа савдоларида мазут ёқилгисини сотиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 2 апрелдаги 48, 30-сонли қарори.

9. «Инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосномаларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигидан кўриб чиқиш тартибини ўз қўниги йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг 2008 йил 14 апрелдаги ЭГ-01/10-2212-сонли қарори.

10. «Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик галла этиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун ҳужжатлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг 2008 йил 22 мартдаги 41-сонли буйруғи.

11. «Биржа савдоларида мазут ёқилгисини сотиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 2 апрелдаги 48, 30-сонли қарори.



КИТОБСЕВАРЛАР МАСКАНИ

«Ўқитибсавдо» тўғрисидаги маълумотнинг Амударё тумани бўлими китоб дўконидан турли номдаги бадиий ва илмий асарлар, дарсликлар, қўлланма-ю рисоаларни, шунингдек, кўндлик матбуот нашрларини сотиб олиш мумкин.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

«СЕВГИМ САМОСИ»

Алишер Навоий номидagi Давлат академик Катта театрида машҳур опера бастакори Жақомо Пуччини таваллудининг 150 йиллигига бағишлаб «Севгим самоси» деб номланган янги сахна асарини намойиш этилди.

Улуғ аждодларимиз илмни ҳалоскор деб билишган, — дейди балетмейстер Иброҳим Юсупов. — Мазкур операда Аҳмад Фарғоний, ал-Хоразмий сингари буюк бобоқалонларимизнинг маърифат истаб дунё кезганликлари баён қилинган.

Янги асар Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёв Жабборов либретто асосида яратилган. Уни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, режиссёр Ҳайдарали Қосимов сахналаштирган.

Дилмурод СОДИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бақоев ва Копадзе даъвогарлар сафида



Осиё футбол конфедерацияси қитъанинг 2008 йилдаги энг яхши ўйинчиси номинациясига даъвогарлик қилаётган футболчилар рўйхатини эълон қилди.

Уфф.uz сайтидан олинган маълумотда айтилишича, рўйхатда 21 нафар футболчи номи қайд этилган.

Куни кеча Швейцарияда эркин кураш бўйича ақунланган Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи халқро турнирда юртдошимиз Сослан Тигиев (74 килограмм) муваффақиятли иштирок этди.

Миллий Олимпиада қўмитаси матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, ҳамюртларимиз апрель ойи олимпиада ўн бешдан ортиқ Олимпиадага йўлланма берувчи халқро турнирларда иштирок этди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.

Мерганлар баҳси

Мусобақада мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган кўрк нафардан зиёд, спортчи голиблик учун кураш олиб борди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Балли, шунқорлар!

Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларда ватанпарварлик ва маънавий фазилатларни тарбиялаш, йигит-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш каби эзгу мақсадлар йўлида ўтказилаётган анъанавий «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг вилоят босқичи ақунланди.

Тадбирда шахар ва туманларда ўтказилган мусобақаларда голиб чиққан 13 та жамоа иштирок этди.

Мурсасиз ва қизиқарли баҳсларга бой бўлган мусобақаларда Жиззах шаҳрининг «Хумо» жамоаси голиб чиқди.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сўзи Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 37080 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 02.00
Топширилди — 02.35 1 2 3 4 5 6 7